



2013 у.ғ. «21» январ

№ 73-К

Самарқанд т. - р. Самарқанд

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини
«Гулобод агротехсервис» агрофирмаси
худудида “МІК” хусусий корхонасига
товуқхона қуриш учун ер майдони танлаш
тўғрисида”

Тумандаги “МІК” хусусий корхонаси туман ҳокими номига хат билан мурожаат қилиб, “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси худудидан товуқхона қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, “Қишлоққурилишлойиха” лойиҳа институтининг 2013 йил 15 январдаги 13 сонли баёнини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш чора тadbirlari тўғрисида”ги 146 сонли қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “МІК” хусусий корхонасига товуқхона қуриш учун 0.50 га “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод агротехсервси” агрофирмаси ер харитасининг 330 контурдаги “Фазлиддин Султонов олмазорлари” фермер хўжалигига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони танлаш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. “МІК” хусусий корхонасига товуқхонани қуриш учун танланган ер майдонида Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.
3. Юқорида кўрсатилган барча бирламчи хужжатлар “МІК” хусусий корхонаси томонидан тайёрланмаса қарор ўз кучини юқотади.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев